



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 128 (13.725)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Чилонзор туманида жамоат ташкилотларини бир жойда бирлаштириш, уларнинг меҳнат қилишлари учун зарур шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.




ЧИЛОНЗОРДА ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Куни кеча мазкур туманда уч авлод вакиллари бирлаштирувчи янги мажмуа фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бу ерга ҳокимлик вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюришди.

Бинонинг биринчи қаватида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг туман бўлими, "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг туман бўлими, иккинчи қаватда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши, учинчи қаватда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши қошидаги "Chilonzor coworking" маркази ўрин олган. Ҳар бир бўлим замонавий мебель жиҳозлари ва компьютер техникалари билан таъминланиб, интернет тармоғига уланган.

Мажмуанинг очилишига бағишланган тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганлиги, уч авлод вакиллари бир жойда жамлаш келажакда жамоатчилик назоратини тўлақонли ўрнатиш, давлат идораларини халқ билан боғловчи асосий кўприк бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.



лислар хоналарида учрашувлар ўтказиш имконини беради, — дейди "Чилонзор коворкинг" маркази асосчиларидан бири Хикмат Абдурахмонов. — GroundZero — бу ўз ишингиз бўйича лойиҳангизга диққатни жамлаш имкониятини берадиган маскан, бу ерда барча стандарт офис жиҳозларига эга бўлган қулай иш шароитлари яратилган.

ВАТАН МАДҲИ

Ватан тақдирини учун масъулиятни астойдил ҳис этиш, шу табарруқ диёр, ундаги тинч ва осойишта, тўкин ҳаётнинг қадрига етиш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра истиқлолимизнинг қутлуғ санасига бағишланган тадбирлар бу йил "Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида нишонланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўриктанловининг вазирлик тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур ижодий танлов — ёшларни Ватанга садоқат, унинг тақдирига дахлдорлик туйғуси руҳида камол топтириш, она Ўзбекистонимизни тараннум этувчи куй-кўшиқлар яратишни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Вазирлик тизимида мазкур ижодий лойиҳа уч босқичда ўтказилиб, дастлабки босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча олий таълим даргоҳларининг талабалари фаол иштирок этди. Танловнинг худудий босқичларида 85 та жамоа таркибида 3800 дан ортиқ ижодкор иштирок этиб, унда 16 голиб жамоа аниқланди.

Лойиҳанинг якуний босқичида Ватанни мадҳ этувчи кўшиқларнинг сифати ва савияси, бадиий жамоаларнинг ижро маҳорати, сахна маданиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Голиб жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Улар ижодий танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

З.ШАРИФЖОНОВ

ЎЗА

Фахр

ЯНГИ — "OLMAZOR CITY" БУНЁД ЭТИЛАДИ

Кейинги икки йилда мамлакатимизда, хусусан, пойтахтимизда кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва бу ишлар давом этмоқда. Янгидан янги йўллар, кўприклар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ер усти метро йўллари қурилиши, аҳоли учун арзон ва барча шарт-шароитларга эга бўлган уйларнинг бунёд этилиши дейсизми, ҳуллас, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган барча эзгу ишлардан мақсад битта — халқимизнинг фаровон яшашини таъминлаш, уларнинг ҳаётидан рози бўлиб яшашига эришишдир.

Мана шундай эзгу мақсадли ишлардан бири "Обод маҳалла" дастурининг ҳаётга татбиқ этилишидир. Бу дастур асосида маҳаллалар янги қиёфа касб этиб, аҳоли турмушини янада яхшилаш, жумладан, фарзандларни тўқис воёга етказиш, саломатлигини мустах-

камлаш, хонадонларни обод қилиш, турли ижтимоий, маиший хизмат кўрсатиш объектларини бунёд этиш, бир сўз билан айтганда, яхши ва мақсадли яшаш учун барча шароитни яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Олмазор туманида бунёд этиладиган "Olmazor city" да ҳам туман аҳолиси учун барча қулайликлар яратилади. Янги Олмазор кўчаси ва Кичик халқа йўли ўртасидаги 24 гектардан зиёд ҳудудда барпо этиладиган ушбу мавзёда маъмурий бинолар, кўп қаватли уйлар, замонавий бизнес марказ, меҳмонхона ва хиёбон, таълим ва тиббиёт муассасаларининг қурилиши режалаштирилган.



Шавкат МУРОДБЕКОВ, "Янги Себзор" МФЙ раиси: — Юртбошимизнинг ташаббуслари билан "Olmazor city" да бунёд этиладиган иншоотлар, амалга оширилаётган ободончилик ишлари туман аҳолисининг моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда Кичкирик канали бўйидаги тартибга келтирилаётган ишларда маҳалла раислари ҳам камарбаста. Биламизки, туманимиз аҳолиси Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ва бошқа кўнгилочар масканларга бориб ҳордиқ чиқаришарди. Энди бу ерда яратилаётган қулайлик бошқа жойга ҳордиқ чиқариш учун борадиганларни ҳам шу ерга чорлайди. Бу хушхабар олмасорликларни беҳад қувонтирди. Сабоби, "Olmazor city" энг замонавий ва аҳолининг кўнгилидан жой оладиган дам олиш масканларидан бирига айланади. Режага мувофиқ бу ерда 15 мингга яқин одам ишли бўлиши керак. Энди тасав-

вур қилинг "Olmazor city" қурилгандан сўнг қанчадан-қанча иш ўринлари яратилади. Янги иш ўринлари асосан олмасорликларнинг бандлигини таъминлайди. Албатта, бундан фақат халқ манфаатдор ва рози бўлади.

Манзура АБДУАЗИМОВА: — "Olmazor city"нинг қурилишини эшитиб ҳам ҳайратга тушдик, ҳам жуда хурсанд бўлдик. Бу шаҳар ичидаги шаҳар бўлиб, барчани ўзига чорлайди.

Илгарилари ҳар доим фарзандларимизни айлантиргани ёки ўзимиз бироз маданий ҳордиқ чиқариш учун узок йўл босиб бошқа туманлардаги маданият ва истироҳат боғларига ёки кўнгилочар масканларга борар эдик. Энди бунга ҳожат қолмайди. Ўзимизнинг туманимизда ҳам барча замонавий талабларга жавоб берадиган "Olmazor city" қад ростламоқда. Олдинлари бундай катта кўламдаги ишлар амалга оширилмаган, ваъдалар фақат ва фақат сўзда қолиб кетаве-

рарди, ҳозир эса буни биз амалда кўряпмиз. Албатта, бундай хайрли ишларга биз, ёшлар ўз билимимиз, иқтидоримиз билан юртимиз равнақига ҳисса қўшиш орқали жавоб қайтаришимиз керак.

Елизавета АН: — "Olmazor city"нинг бунёд этилиши учун жон куйдираётган Президентимизга раҳмат айтамыз, бизнинг туманга ҳам эътибор қаратилаётганидан миннатдоримиз.

Албатта, бизга яқин жойда яхши тиббиёт маркази, болалар дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган боғлар бўлса фақат хурсанд бўламиз.

Ўйлаймизки, яқин келажакда бунёд этиладиган "Olmazor city" нафақат туман аҳли, балки ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимизга келадиган сайёҳларнинг ҳам кўнгили ва мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун энг мақбул марказлардан бирига айланади.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 56 турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Аҳолига кўрсатилмаётган хизмат сифати ва тезкорлигини ошириш мақсадида яқинда марказда тажриба тариқасида электрон навбат тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, бунда марказга мурожаат қилувчининг вақти тежаларди, ходимларнинг иш самарадорлиги ошади.

● Бухорода "Адолатли қайнона" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган танловда 10 нафар қайнона иштирок этди. Иштирокчи-қайноналарнинг оилада ўзига хос муҳит яратиш, фарзанд тарбияси борасидаги дунёқараши, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, партия фаолиятига доир билими синовдан ўтказилди.

● Термиз шаҳридаги Жайхун маҳалласида "Bio Techno Eco" масъулияти чекланган жамияти томонидан дастлабки чиқинди йиғиш маркази — "Биошоҳобча" фойдаланишга топширилди. "Биошоҳобча" бир кеча-кундузда 6 минг 500 тонна маиший чиқиндини қабул қилиш қувватига эга. У маҳалладаги 970 хонадон, 12 умумий овқатланиш ва 21 маиший хизмат кўрсатиш нуктасидаги чиқиндиларни



тўплашга мўлжалланган. Тўрт киши меҳнат қиладиган янги иншоотга видеокузатув мосламалари ўрнатилган.

● Жиззах вилояти Зомин туманида ёш ижодкорларнинг аънаваний Зомин семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан саралаб олинган 80 нафар ёш ижодкор иштирок этди.



● ФИФА хорватиялик футболчи Вукоевични жаҳон чемпионатида Россия терма жамоаси билан ўтказилган ўйинда спортга зид хатти-ҳаракатларни амалга оширганлиги учун жаримага тортди.

● Япониянинг ғарбий ҳудудидаги 19 та музофотда, жумладан, Хиросимада, Тинч океанида юзага келган тўфон боис тинимсиз ёмғир қуйиши натижасида рўй берган сув тошқинларида ҳалок бўлганларнинг сони 100 кишидан ошиб кетди. Ҳозирда 30 мингга одам хавфсиз жойларга кўчирилди, яна 5 миллион кишини эвакуация қилиш кўзда тутилган.

● Таиландда рўй берган кема ҳалокати оқибатида ҳаётдан кўз юмганларнинг сони 44 кишига етди.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда "Миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланишнинг долзарб масалалари: "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси корхоналари мисолида" мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Тадбир "Миллий тикла-нинг" демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган импорт маҳсулотлари ва уларни маҳаллийлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури таҳлил қилинди. 2017 йилда компания таркибига кирувчи корхоналар томонидан умумий қиймати 244,7 миллион АҚШ долларлик хомашё, бутловчи қисм ва ускуналар импорт қилин-

ган, жорий йил январь-май ойларида бу кўрсаткич 103,7 миллион долларни ташкил этди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган, рақобатбардош нархда маҳаллийлаштириш имконини бўлмаган айрим бутловчи қисмларни импорт қилишда божхона тўловларини беқор қилиш, маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим товарлар бўйича божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш юзасидан қатор вазифалар белгиланган.

Президентимизнинг 2017 йил 31 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни тизимлаштиришда муҳим

ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Унда рақобатбардош ишлаб чиқаришни кучайтириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, ички бозорни сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган масалаларни божхона-тариф нуқтаи назаридан тартибга солиш белгиланган.

Кўргазмали семинарда "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар томонидан кабель-сим, электротехника ва маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва бугунги кунда импорт қилинган бутловчи қисмларнинг тақдироти бўлиб ўтди.

(ЎЗА)

"Туркистон" саройида Тошкент гарнизонидаги ҳарбий хизматчилар оила аъзолари иштирокида Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди, деб хабар қилади Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати.

ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ ДОИМО ЭЪЗОДА

"Оила – жамиятимиз таянчи" шиори остида ўтказилган тадбирда ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар мустаҳкамлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари муҳокама этилди. Мавзу юзасидан маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари, полковник Азизбек Икромов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Мукаррам Нурматова, Тошкент шаҳар бош имомхатби шайх Абдулазиз Мансур ва бошқалар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш,

оилада эр-хотин ўрни, аҳиллик муҳитини яратиш каби масалалар хусусида сўз юритди.

Давлатимиз томонидан сарҳадларимизни ишончли қўриқлаш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек муқаддас бурчнинг матонат билан адо этиб келаётган ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг оила аъзолари учун қулай шaroитлар яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда оилавий муносабатлар мавзусига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

Аблай КАМОЛОВ

Президентимиз Ўзбекистон ёшлар иттифоқи таъсис қурултойида таъкидлаганидек, "Иқтидорли, тарбияли болалар билан ишлаш осон, лекин, ҳаётда қоқилган ёки ёмон муҳитга тушиб қолган ёшларни тўғри йўлга, эзгу мақсадга даъват қилиш, ишонтириш қийин. Янги ташкилот мана шу оғир, лекин ўта зарур вазифани ўз зиммасига олиши аини мудоао бўлур эди. Биз "уюшмаган ёшлар" "уюшмаган ёшлар", деб кўп гапираимиз. Лекин бу масалани ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишга келганда, очик айтиш керак, кўпчилигимиз нима қилишимиз лозимлигини билмаймиз".

Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқлари бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими асосидаги қоидаларга биноан БМТ "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциясининг талаблари ўз ифодасини топган Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда қатор қонунлар тизими шакллантирилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги муҳим муаммолардан бири шундан иборатки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан ҳуқуқбузарлик содир этганидан кейин тўшадилар. Ёшларнинг гайриижтимоий, яъни девант хулқ-атворига мойиллигини, дастлабки босқичда профилактика қилишга нисбатан юзак ёндашиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ўзига хос профилактика чораларидан бири ҳуқуқбузарлик содир этаётган ёшларнинг ота-оналарини гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик юзасидан расман огоҳлантиришни назарда тутад.

Мазкур қонунга асосан вояга етмаганлар ва уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этиш, вояга етмаганлар ўртасида алкоғолизм, чекиш, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши кураш тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, адашиб қолган, ташлаб кетилган ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қабул қилиш ҳамда парвардилаш, хулқ-атворида нуқсон бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ташхис ҳамда даволаш-тиклаш ёрдами юрса, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юбориш, уларнинг соғлиги тўғрисида белгиланган тартибда ҳулосалар тайёрлаш, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятга таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этиш, жинсий йўл билан юктириладиган касалликларнинг манбаларини аниқлаш, ушбу касалликларга чалинган вояга етмаганларни текшириш ва даволашни ташкил этиш сингари ваколатларни амалга ошириш эса соғлиқни сақлаш муассасаларига юклатилган.

Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 8 сентябрь кунини имзоланган, шу йилнинг мартидан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида энг аввало, ота-оналарга фарзандларини тарбиялаш, уларни зарарли ахборотдан муҳофаза, бунинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, болаларнинг жисмоний, маънавий ва ахборот хавфсизлигининг қонуний белгиланган кафолатлари комплексини яратишни назарда тутгани би-

лан низоҳатда аҳамиятлидир. Келгусида ушбу тадабларни баҳарлаш нафақат келажагимиз эгаларини зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш, шу билан бирга, ҳар биримизнинг фуқаролик позиция-мизни фаол намоён этишга имкон яратади.

Мазкур ҳужжатда ахборотга доир ҳуқуқларнинг чекланишига оид масала йўқ. У келажагимиз эгалари бўлмиш болаларнинг соғлигини муҳофаза этишга қаратилган. Қонунда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ҳамда ташкилотлар тизими келтирилган. Аини пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳам ушбу жараёнда иштирок этиши ўз ифодасини топган. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгиллаш ва ёш тоифаларини қўйиш масалалари ушбу ҳужжатнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-

моатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, кенг жамоатчилик, айниқса Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган ишлари билан боғлиқ фаолият самарадорлигини оширишда ҳал этилиши ташкили ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланган қўйдаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ҳаммамиз ҳам бирон-бир оила, маҳалла ҳудудида яшаймиз, ма-

қаларини доимий ўрнатил ва мустаҳкамлаш бўйича ишлар самарадорлиги алоҳида эътиборга молик масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳамкорликни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вақти етиб келди. Ўзбекистон ёшларининг чет эллардаги нафақат ўз тенгдошлари бўлган фаол алоқалари ўрнатилди, балки хорижий давлатлардаги меҳнат ва таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этишга мойил ўз ватандошлари – уюшмаган ёшлар билан ҳам ишлар олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур ҳисобланади. Бу борада, мазкур масалаларни ҳал этишга бевосита масъул мутасадди вазирлик ва идоралар, хусусан, ташқи ишлар, ички ишлар вазирлиги ва бошқа шу каби муассасалар фаолиятида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол кўмаги бўлиши ҳар томонлама зарур аҳамиятга эгадир.

Учинчидан, давлат ва жамият ҳаётига фаол тарзда қатнашган, лекин ёшлар иттифоқига аъзо бўлмаган, шунингдек, таълим ҳамда касб-ҳунар билан қамраб олинмаган муайян уюшмаган ёшлар қатлами вакилларининг ҳаёти ва фаолиятини фаол таҳлил қилиш ҳамда уни рағбатлантириш ишларини самарали ташкил этиш лозим.

Тўртинчидан, Ёшлар иттифоқига аъзолари рағбатлантириш, иттифоқнинг ҳар бир аъзоси тўғрисидаги маълумотлар банкни шакллантириш ва уни янгиллаб бориш, унга аъзолар, хусусан, уюшмаган ёшларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини инобатга олиш, шунингдек, иттифоққа аъзолик бадаллари тўлови тартибини қайта кўриб чиқиш, бунда уюшмаган ёшларнинг ушбу бадаллар тўловидан озод қилиниши ҳамда бошқа шу

каби масалалар ҳар томонлама ҳал этилиши мақсадга мувофиқ саналади. Охири натижада, барча ёшлар қатламларининг Ёшлар иттифоқи ташкилотига аъзо бўлишга иштиёқи ва интилиши ортади, шунингдек, олий таълим ҳамда бошқа давлат ва нодавлат сектори билан қамраб олинган ёшлар билан уюшмаган ёшлар ўртасида доимий алоқа шаклланади ва ривожлантирилади.

Шу ўринда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти мамлакатимизнинг ёшлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарлиги масалаларини ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун криминология, жиноят ҳуқуқи ва социология мутахассислари ҳамкорлигида лойиҳаларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу масалаларнинг меърий ўзгаришлар ҳамда бошқа йўриқномалар билан назарда тутилмиши ҳамда иттифоқ фаолиятига татбиқ қилиниши келгусида бошқа турдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари қаторида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, давлат идораларининг ёшлар ҳаётидаги ўрни ва нуфузи янада ортишига, мамлакатимизда уюшмаган ёшлар қатламларини ҳуқуқ ва манфаатлари иттифоқ фаолиятида алоҳида эътиборга олиниб, давлат ва жамият ҳаётидаги уларнинг ўрни ҳамда ижтимоий мавқеи янада ортишига эришилади.

Омонуллу МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

ХОРИЖДА ИШЛАМОҚЧИМИСIZ?

ЭНДИ МАНФААТЛАРИНГИЗ
ТАЪМИНЛАНАДИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ
ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларга қулайликлар яратиш, халқаро шартномалар тузиш, республика ташқарисидagi иш жойларига хавфсиз тарзда етиб боришни таъминлаш учун амалий чоралар кўрилмақда. Бу борадаги ишлар тизимли ташкил этилаётганига қарамасдан ноқонуний меҳнат миграциясининг катта оқими ҳалигача сақланиб қолмоқда. Натижада салбий оқибатлар кузатилмақда.

Фуқароларни хорижда ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг бандлигини таъминлаш масалалари қувонарли аҳволда эмас. Аслида юртимизда иш ўринларини яратишда сусткашликка йўл қўйилаётгани ёки фуқароларни меҳнат шaroити қониқтирмаётгани ишсизлар сонининг мунтазам ўсишига олиб келмоқда.

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида яшовчи Беҳзод Менгтўраев ҳам ишлаш учун Россия давлатига танишлари ёрдамида ноқонуний чиқиб кетган эди. Салкам икки йиллик фаолияти давомида турли жойларда ишлаб кўрди. Қийинчиликларга кўп учради. Эндигина яхши маошли иш топдим, деганида ҳужжатлари ноқонуний бўлгани бос мамлакат худудидан қониқиб юборилди. Аини вақтда ишсиз.

– Ҳеч ким ўз юрти, ота-онаси ёки фарзандларидан узоқда яшаб, ишлашни хохламайди, – дейди Б.Менгтўраев. – Лекин бунча яшаш учун, ҳаёт кечириш учун бир чора деб билгандим. Мендек ўйлаган ва ҳаракат қилаётган юртдошларим ҳам талайгина. Хорижда яхши пул топаётган, муносиб ишда ишлаётганлар ҳам бор. Аммо турли вазиятлар сабаб қийинчилик кўраётганларни ҳам учратдим. Четда ишлашнинг ҳам қонуний бўлиши, қулайликлар яратилишини жуда истагандим. Президентимизнинг қарори биз каби фуқаролар учун яна имкониятлар эшигини очганига ишонаман.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 5 июлда "Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Қарор ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хорижда қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Жорий йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича бир қатор имкониятларга эга бўлади.

Улар вазирликдан аккредитациядан ўтган, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган юртимиз фуқароларининг касбий маълумоти ва кўникмаларга эга бўлиши, хорижий тилларни билиш даражасини белгилаш билан шугулланиши мумкин.

Мазкур вазирлик ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ҳам ташкил этилади.

– Янги ташкил этиладиган жамғарма юртдошларимиз учун қулайликлар яратади, – дейди Олмасмурод тумани "Намуна" маҳалласи оқсоқоли Қўчқор Каримов. – Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзи жуда қувонарли. Бу бир инсоннинг оғирини енгил қилиши билан бирга, инсонийликнинг, миллий қадриятларимизнинг бир кўринишидир.

Эндиликда фуқароларимизга хорижда ишлаётган даврида жароҳатланмиши ёки бошқа бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш эҳтиёжи туғилса кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаса ҳам уларга хизмат кўрсатилади. Тўланган маблағлар ушбу фуқаролар томонидан кейинчилик қоплаб берилиши мумкин.

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар юртимиз аҳолисининг турмуш шaroитини янада яхшилаш, хорижда юрган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳимоя қилиш, ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни қаматириш, жабрдийдага айланган инсонларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Барно МЕЛИКУЛОВА



ИХТИРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

Бирининг ихтироси чиқиндилардан фойдаланиб суратлар ясаш бўлса, бири "ақлли ёстиқ"лар ёрдамида беморлар дардини енгиллатмоқчи, яна бири қуёш энергияси асосида ишлаб, ҳеч қандай ёнилғи талаб қилмайдиган трактор яратиш устида ишлаётган бўлса, бири "осма поездлар" ҳаракатини йўлга қўйиш орқали сайёҳлар эътиборини қаратиш пайида.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ёш инновациячи" республика кўрик-танлови ана шундай ихтирочи ёшлар учун ўз истеъдодини намойиш этадиган катта имкониятлар майдони бўлди. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидида мазкур танловнинг республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Илк бор ташкил этилган танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичида 600 нафарга яқин йигит-қиз туризм, ишлаб чиқариш ва сервис ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш борасидаги инновацион лойиҳалари, ихтиро ва ишланмалари билан иштирок этди.

– Танловда электромобиль, дрон, агроробот каби инновацион ишланмаларини билан қатнашдим, – дейди ЎЗА муҳбирига ишлаб чиқариш ва сервис йўналиши бўйича голиб Муҳаммадмин Умаров. – Энг сўнгги ишланма агроробот бўлиб, у ривожланган давлатлардаги "ҳамкасбларидан" қилиш-майдиған даражада ишлайди. Эқилган ҳар бир ўсимликнинг намлиги, минерал ўғитлар етишмовчилигини текшириб, шахсий компютерингизга маълумотларни автоматик тарзда жўнатиб туради. Ҳозир лойиҳамни ривожлантириш устида иш олиб бораётган.

Танловнинг республика босқичи иштирокчилари Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидидаги замонавий техника ва технология воситалари маркази фаолияти билан танишди.

Ёш ихтирочилар Ўзбекистон Фанлар академиясида олимлар билан учрашиб, ихтироларини ривожлантириш борасида қимматли маслаҳатлар олди.

Танлов голиблари ва 42 нафар энг фаол иштирокчи диплом, эсдалик совғалари ва ЎзЛиДеПнинг бир йил давомида бериб бориладиган махсус стипендияларига эга бўлди.

Инобат АХАТОВА

ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон кўнграқ театраларининг XI аънавий кўрик-фестивали бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ижодий жамоалар сараланган спектакллари билан иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков, Театр арбоблари уюшмаси раиси Ё.Аҳмедов Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан миллий маданиятимизни янада раванқ топтириш борасида кўрсатилаётган эътибор ижод аҳлини катта масъулият билан фаолият кўрсатишга ундаётганини таъкидлади.

Ушбу кўрик-фестивални ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Ватанимиз мустақиллигини, миллий қадриятларимизни тараннум этувчи, ёш томошабинлар қалбида ватанпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик туйғуларини кучайтиришга хизмат қилувчи сахна асарлари яратишни тарғиб этишдан иборат. Тадбир бадий жамоаларнинг ўзаро тажриба алмашишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

– Биз "Турна пати" спектакли билан иштирок этаёмиз, – дейди ЎЗА муҳбирига Андижон вилоят кўнграқ театри директори Бехзод Курбонов. – Бу сахна асари фарзандларимизни табиатга муҳаббатли бўлишга, унинг бебаҳо неъматларини асраб-авайлашга ундайди.

Кўрик-фестиваль 13 июлга қадар давом этади.

Н.УСМОНОВА

Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси ташаббуси билан Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Мустақил юрт хунармандлари" мавзуида Х аънавий кўргазма бўлиб ўтди.

Кўргазмалар

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 300 нафарга яқин уста-хунарманд ўз маҳсулоти билан иштирок этди.

– Учинчи мартаба ўтказилаётган аънавий кўргазма-савдода юртимизда фаолият олиб бораётган моҳир ва тажрибали уста-хунармандлар билан биргаликда ажодларимиз томонидан яратилган хунармандчилик мактаблари аънаваларини авлодлар томонидан муносиб равишда давом эттириб келаётган ёш хунармандлар ҳам иштирок этмоқда. – дейди "Хунарманд" уюшмаси матбуот котиби Нилуфар Ҳотимова биз билан суҳбатда. – Бу кўргазма халқ амалий санъатининг миллий ва энг нодир турларини намойиш этиш билан бирга, уста хунармандларимизга ўз маҳсулотларини халқ ичида яна бир бор кўрсатиш ва тарғиб этиш, сотиш имкониятини беради.

Кўргазмада ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, заргарлик, тўқувчилик ва миниатюра санъати каби турли хил қўл меҳнати маҳсулотлари намойиш этилди. Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбарияти томонидан ташкил этилган маданий кўнгралар тадбирлар ҳамда концерт дастурлари йиғилганларга хуш кайфият улашди.

– Мен кўргазмада ўзимнинг қўл меҳнати билан яратилган патдўздан тикилган

маҳсулотларим билан билан иштирок этмоқдаман, – дейди Навоийдан ташриф буюрган Зухра Шукурова. – Йигирмага яқин турли хил сўзаналар, ёстиқ жилдлар, келин-куёвлар учун сарполар тўпланмаси, китоблар жамланмаси учун сумкалар ишлаб чиқарамиз. "Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлганимга 3 йилдан ошди, ўтган қисқа вақт давомида кўплаб кўргазмаларда қатнашдим, келажакда ўз маҳсулотларимизни нафақат юртимизда, балки хориж мамлакатларида ҳам намойиш этишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Дарҳақиқат, она юртимиз дунё мамлакатлари ичида халқ амалий санъати ва хунармандчиликнинг энг қадимий турлари, аънавалари, ўзига хос услублари ва мактаблари сақланиб қолган мамлакат сифатида муносиб ўринга эга. Уюшма томонидан хунармандлик маҳсулотларини четга экспорт қилиш ва хунармандлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида кўргазма ва ярмаркалар ўтказилди. Унда 50 дан ортиқ хунармандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

"Мустақил юрт хунармандлари" кўргазмаси доирасида хунармандлар ва амалий санъат усталарининг маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилди.

Гулнигор САТТОВА

ФҲДЁ:

ФУҚАРОЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ

Жорий йил 12 июнь кунни давлатимиз раҳбарининг "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Халқаро пресс-клубнинг "Ўзбекистонда демографик жараёнлар: фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишдаги муаммо ва ечимлар" мавзусидаги сессиясида соҳага масъул бўлган мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мутахассислар мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қарордан келиб чиққан ҳолда, соҳада аҳолига ҳар томонлама ва сифатли давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали ме-

ханизмларини яратиш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз юритилди. Ушбу ҳужжатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ФҲДЁ органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилгани қайд этилди.

Фуқароларга қулай бўлиши учун "Ягона электрон ФҲДЁ архиви" ахборот тизими тuzилиб, ФҲДЁ органларида сақланаётган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари рақамлаштирилмоқда, ягона электрон ФҲДЁ архив фонди шакллантирилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Иқтисодиёт вазирлигида Президентимизнинг 2018 йил 11 июндаги "Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАИФ ҚАТЛАМИГА ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛГАН?

Тадбирда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий заиф қатлами, хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш орқали уларнинг фаровонлигини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришда мазкур қарор муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда жами квоталанган иш ўринлари сони – 103 мингтани ташкил этиб, шундан 15,6 мингтаси ногиронлар учун ажратилган. Айни пайтда давлат пенсияси билан таъминланган ногиронлиги бўлган шахсларнинг 13,6 минг нафари расмий меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

2017 йилда 3 минг 602 нафар ногиронлиги бўлган шахс бандликка қўмақлашмиш марказлари томонидан квоталанган иш ўринларига жойлашти-

рилди. Жорий йилнинг шу даврига қадар бу кўрсаткич 858 тани ташкил этди.

Қарорга мувофиқ, алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёз ва преференциялар берилган. Жумладан, харидор томонидан инвестициялар ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан давлат мулк объектларини "ноль" қийматда сотиш бўйича ўтказиладиган танлов савдолари натижаларига кўра, танлов савдоларининг бошқа иштирокчилари билан унинг таклифлари ўртасида тенг шароитлар юзага келган ҳолларда битимни тузиш бўйича устуворлик ҳуқуқи берилди ҳамда давлат мулк объектлари учун ижара тўловини ушбу объектка нисбатан энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида тўлайди.

Бундан ташқари, товар ва хизматлардан тушган даромад-

нинг камида 20 фоизини Брайл алифболи китоб ва бошқа босма материаллар, имконияти чекланган болалар учун адабиётлар чоп этиш, ишора тилини қўллаган ҳолда аудио китоб ҳамда видеомаатериаллар тайёрлашга сарфлаган ишбилармонлар ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимларининг камида 30 фоизи ижтимоий заиф қатламдан иборат бўлган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёз ва преференциялар мавжуд.

Ҳужжатда бу каби тадбиркорлик субъектларига айланма маблағини тўлдирish учун – уч ойлик имтиёзли давр билан 18 ойгача муддатга ҳамда асбоб-ускуналар ва керакли материаллар харид қилиш учун – олти ойлик имтиёзли давр билан 3 йил муддатга кредитлар ажратилади.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА муҳбири

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош ҳақармаси ва ИИБ академияси билан ҳамкорликда ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари учун ўқув-семинар машғулотлари ташкил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самардорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосан шаҳар, туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиқи лавозимлари жорий этилган.

Мазкур фармонда белгиланган вазифалар бажарилиши борасида жойлардаги ёшлар бўйича ўринбосарлар томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда комплекс чора-тадбирлар, ёшларни қўйиб келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 4 июль кунини ўтказилган ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларида бағишланган видеоселектор йиғилишига ёшлар билан ишлашда ҳали камчиликлар кўплиги, ички ишлар органлари, маҳалла қўмиталари, бошқа жамоатчилик ташкилотлари ва таълим муассасаларининг бу борадаги ишлари ҳали қўнгралдагидек эмаслиги қайд этилиб, тегишли вазирлик ва идораларга ёшларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолишининг олдини олиш, улар ўртасида жиноятларни кескин камайитириш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Йиғилишда, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга қўмақлашиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган "Ёшлар – келажакимиз" Давлат дастури ижросини таъминлаш долзарб вазифа эканлиги қайд этилди.

Ўқув-семинар машғулотларида ёшлар ўртасида ноҳуш ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароит ва омилларни ўз вақтида бартараф этиш, бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа масъул идора ва ташкилотлар билан узвий ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифаларга тўхталиб ўтилди.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ИСКАНЖАСИ

ёхуд кескин чоралар ечим бўладими?!

Маданият вазири Сайфуллаев сўнгги йилларда Президентимизнинг маданият ва санъат соҳасига оид 20 га яқин фармон ва қарорлари эълон қилиниши соҳага берилаётган юксак эътибордан далолат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда тарихий маданий мерос объектлари ҳолати, бу борада ечимини қутаётган муаммоларга эътибор қаратилди. Жумладан, республикамиз ҳудудида жойлашган кўплаб маданий мерос объектларига жиддий шикаст етган, турли сабабларга кўра, бузиб юборилган ёки ўз вақтида таъмирланмаган. Қайд этилганидек, биргина пойтахт ҳудудида жойлашган жами 47 моддий маданий мерос объекти жиддий шикастланган ёки йўқ қилиб юборилган.

Ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашган, камчиликларга йўл қўйган айрим соҳа раҳбарларига нисбатан кескин чоралар кўрилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли раҳбарларга зарур топшириқлар берилди.

ЎЗА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 16-сонли мактаб томонидан 1996 йилда Зоиров Мирвали Мухаммадалиевич номига берилган № 010954 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицей томонидан Каримов Сухроб Ҳакимжон ўғли номига 2014 йилда берилган L № 213721 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Футбол янгиликлари

**УММОНЛИК ОЛИМПИАЧИЛАР
МАҒЛУБ ЭТИЛДИ**

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Туркияда ўқув-машғулот йиғини доирасида Уммон олимпия терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Индонезияда уюштирилган Осиё ўйинларида жиддий ҳозирлик кўраётган Равшан Хайдаров бош мураббийлигидаги олимпия терма жамоаси зиммасига Осиё ўйинларида зафар кучиши вазифаси юклатилган. Шу боисми, Туркияга юртимиздаги 23 ёшгача бўлган энг иқтидорли чарм тўп усталари

олиб кетилган. Уммон олимпия терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйинида ҳамюртларимиз тўлиқ устунлик қилишди ва яқунда 3:0 ҳисобида галаба қозонишди. Рақиблар дарвозасини Азиз Турғунбоев, Забихилло Ўринбоев ва Жасур Яхшибоев аниқ нишонга олишди.

**ҲАМКОРЛИК ЯНАДА
МУСТАҲКАМЛАНАДИ**

Юртимизда миллионлар ўйинини янада ривожлантириш, ёшларимизга Европа футболни яқиндан ўрганишларига имкон яратиш мақсадида ЎФА томонидан ислохотлар амалга ошириляётгани қувонарли.

Шу кунгача ЎФА Испания, Бельгия, Италия ва бошқа Европа давлатлари футбол ассоциациялари билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўзаро келишувга эришди. Энди ушбу ҳамкорлик

самарасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Шу боис, ЎФА Европа футболни яқиндан ўрганиш, миллий ассоциациялар, кучли клублар билан ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида ЎФАнинг Европадаги ваки-

лини тайинлади. Эндиликда ЎФАнинг Европадаги янги вакили ўзбек футболни тараққиёти учун хизмат қилади. Европа футболни юртимиз ёшлари ўрганишлари ва ҳаётга татбиқ этишларига кўмаклашади.

**УЕФА ЎФАГА ГРАНТ
АЖРАТДИ**

ЎФА УЕФАнинг махсус UEFA Assist дастури асосида грантларни қўлга киритиш бўйича ўз таклиф ва гоёларини Европа футбол ассоциациялари уюшмасига тақдим этганди.

ЎФАнинг таклиф ва гоёлари УЕФА раҳбарларини бефарқ қолдирмади. УЕФАга УЕФА томонидан футбол ривожини учун грант ажратилди. Эндиликда "Чигатои" ҳамда ЎФА майдонларидаги ёритиш тизими капитал таъмирдан чиқарилади. ЎФАнинг сунъий қопламали майдонларига замонавий ёритиш ускуналари ўрнатилмоқда. Энди бу майдонларда кечки пайтда ҳам бемалол футбол учрашувларини ўтказиш имкони бор.

Ноила НАБИЕВА

**ФУТБОЛ АКАДЕМИЯЛАРИГА
ҚАБУЛ БОШЛАНДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Футболни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил қилинган ҳудудий болалар ва ўсмирлар футбол академияларига қабулнинг биринчи босқичи бошланди.

20 июлгача давом этадиган қабул жараёнининг биринчи босқичида ҳар бир ҳудудда яшовчи аҳоли ўз вилоятидаги ҳудудий академияга ҳужжат топширади. Дастлабки босқичда синонга келган болалар

жамоаларга бўлингн ҳолда футбол ўйнашади. Мураббийлар синовидан ўтган иқтидорли болаларга иккинчи босқичда қатнашишга рўхсат берилди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Сифатсиз дори-дармон ва фармацевтика маҳсулотлари инсон сиҳат-саломатлигига жиддий хавф туғдириши шубҳасиз.

**МҲМАЙ ДАРОМАД
ИЛИНЖИДА ЮРГАНЛАР**

Чунки, ҳар хил шароитлар ва белгиланган меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда ташиладиган, олиб келинадиган дорилар шифо ўрнига касалликни янада кучайтириб юбориши мумкин. Афсуски, ушбу оддий ҳақиқатдан кўз юмган айрим кимсаларни юртдошларимизнинг саломатлигидан кўра, мўмай даромад кўпроқ қизиқтиради.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари томонидан шу турдаги қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Бош почтамт" ТИФ божхона постида Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи бир неча фуқаролар номига Россия Федерациясидан жўнатилган почта жўнатмаси ниқоби остида дори воситалари ва тиббий бўмларини декларацияда кўрсатмасдан, ноқонуний олиб киришга уриниш ҳолатлари аниқланди.

Жўнатмаларни божхона назоратининг техник воситадан фойдаланиб божхона кўригидан ўтказиш давомида "СН-23" шаклидаги божхона декларациясида кўрсатилмаган 965 конвалютада ва

751 қутида ҳамда 113 флаконда ҳар хил дорилар борлиги маълум бўлди. Дастлабки маълумотларга кўра мазкур дори-дармонларнинг қиймати салкам 277 млн. сўмни ташкил этар экан.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари "Алмата - Тошкент" йўловчи поезди йўловчиларининг қўл юкларини божхона назоратидан ўтказиш пайтида қўшни давлат фуқароси йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган ҳамда божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилмаган қиймати 27,5 млн. сўмдан ортқ 218 дона турли хил витаминларни олиб киришга урингани аниқланди. Худди шу поезддаги бошқа бир йўловчи - қўшни давлат фуқароси қиймати 16 млн. сўмлик 1080 дона дори-дармонларни божхона баённомасида қайд этмасдан туриб, яширинча олиб киришга урингани аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона кўмитаси
Ахборот хизмати

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод фермер ҳўжалиги ҳудудидан (мўлжал: Сергели тумани, Кўйлик-5 даҳаси рўпарасида) фуқароларга ўзининг хусусий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги квартираларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрига топшириш эъзизига ер участкалари ажратилиши режалаштирилган.

Топширилган икки хона учун 500 кв.м ҳисобидан ер участкаси олишлари мумкинлиги маълум қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 239-35-06, (+99894) 688-88-77.

"Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, 6-даҳа, 39-уй, 37-хонадон учун Турсунбаев Айбек Эркинбаевич номига берилган О'У 553607 рақамли ва 14.06.2013 йилда бино-иншоотга берилган ТА 1750618 рақамли ва 10:02:02:01:01:0059 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, 49 а-уй учун "RUDOMAXYO'LOVCHYUKTRANS" номига 14.06.2013 йилда ер участкасига берилган О'У 553607 рақамли ва 14.06.2013 йилда бино-иншоотга берилган ТА 1750618 рақамли ва 10:02:02:01:01:0059 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Manzarali bog'dorchilik va gulchilik" МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Сақкокий кўчасида жойлашган иссиқхонада сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Автобус М24.9 (Отайўл)" русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/520 EDA. Бошланғич баҳоси - 12 015 000 сўм. 2. "Прицеп 2 птс 793" русумли. Бошланғич баҳоси - 1 500 000 сўм.

Қибрай тумани Ўнқўрғон МФЙ Мирзаахмедова кўчаси, 3. "Трактор ТТЗ 100К10" русумли. Бошланғич баҳоси - 8 000 000 сўм.

Сергели тумани, Узар кўчаси, 78-уй, 4. "Трактор Т-28-4М1" русумли. Бошланғич баҳоси - 5 500 000 сўм. 5. "Трактор ТТЗ 100К 10" русумли. Бошланғич баҳоси - 8 000 000 сўм. 6. "Прицеп 2 птс 793" русумли. Бошланғич баҳоси - 1 500 000 сўм. 7. "Трактор Т-4А" русумли. Бошланғич баҳоси - 7 500 000 сўм. 8. "Трактор Т-4А" русумли. Бошланғич баҳоси - 7 500 000 сўм. 9. "БульдозерДТ-75" русумли. Бошланғич баҳоси - 6 423 000 сўм. 10. "БульдозерДТ-75 ПС" русумли. Бошланғич баҳоси - 6 423 000 сўм. 11. "Вагон уйча" русумли. Бошланғич баҳоси - 2 500 000 сўм. 12. "Вагон уйча" русумли. Бошланғич баҳоси - 2 500 000 сўм. 13. "Вагон уйча" русумли. Бошланғич баҳоси - 2 500 000 сўм.

Зангиота тумани, Гулбоғ кўчаси, 14. "Трактор ТТЗ-80" русумли. Бошланғич баҳоси - 8 000 000 сўм. 15. "Трактор ТТЗ 100К 10" русумли. Бошланғич баҳоси - 8 000 000 сўм. 16. "Трактор Т-4А" русумли. Бошланғич баҳоси - 7 500 000 сўм. 17. "Бульдозер ДТ-75" русумли. Бошланғич баҳоси - 6 423 000 сўм. 18. "Бульдозер Д506-75 ПС" русумли. Бошланғич баҳоси - 6 423 000 сўм. 19. "ГБАСПГ Зил ММЗ 4502" русумли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/519 EDA. Бошланғич баҳоси - 11 360 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 23 июль кунин соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2018 йил 20 июль кунин соат 18:00. 2018 йил 23 июль кунин соатилмаган тақдирда такоррий савдолар 2018 йил 30 июль, 6, 13, 20 август кунлари соат 15:00. Такоррий савдолар учун тўлов қабул қилишнинг охири мuddати: 2018 йил 30 июлдаги савдо учун 2018 йил 27 июль, 6 августдаги савдо учун 3 август, 2018 йил 13 августдаги савдо учун 10 август, 20 августдаги савдо учун 17 август кунлари соат 18:00 гача.

Савдо голиби деб топилган шахсга 5 банк иш кунин ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, зақалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "РММ" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмасор филиалидаги кўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121. СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Гувоҳнома №001805

Маданият

**БИЗ – СОҒЛОМ ҲАЁТНИ
ТАНЛАЙМИЗ**

Миробод тумани 1-сон маданият ва аҳоли дам олиш марказида ўтказилган тадбир "Мен соғлом ҳаётни танлайман" деб номланди.

"Миллий тикланиш" партиясининг Миробод туман кенгаши раиси Д.Сафаева, П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси Б.Улугбекова, Тошкент вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази бош мутахассиси И.Шомуратова ва бошқалар келажагимизга таҳдид солаётган уюшган жиноятчилик ҳамда гиёҳвандликнинг салбий оқибат ва зарарлари, ушбу иллатларнинг олдини олиш, уларга қарши самарали курашиш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги мулоҳазалар ва таҳлилий фикрларини билдирдилар.

Дарҳақиқат, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал шахсни шакллантириш, зарарли иллатларга қарши курашиш, шунингдек, уларнинг тиббий, сиёсий, диний, ҳуқуқий билимларини ошириш борасида амалга ошириляётган ишлар неғизда, нафақат келажак авлодининг, балки барча фуқароларимизнинг бахтли ҳаёти муҳасамдир.

Юртимиз тинчлиги ва халқимиз саломатлиги ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлик ҳисобланиб, жамиятнинг ривожланиши учун энг муҳим шарт-шароитлардан биридир, - дейди Миробод туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадий раҳбари Наргиза Пулатова. - Гиёҳвандлик эса инсонни разолатга бошлаб борувчи, уни одамийлик сиёҳидан чиқарувчи катта хавф

ва жиноятга бошловчи охири йўқ йўлдир. Зеро, фуқароларимиз соғлиги, ёшларимизнинг порлоқ келажагига жиддий таъсир этувчи бу оғунинг таъсири жароҳатлидир. Гиёҳвандлик жамиятимиз раванкага, юртимиз тараққиётига, инсонларнинг бахту саодатига бирдай жиддий хавф солади. Бу зарарли иллатларнинг олдини олиш ва курашишда ҳаммамиз ҳамжихат, ҳамкорликда фаоллиқ олиб боришимиз, биргаликда қадам ташламоғимиз лозим.

Тадбир доирасида Маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг "Бинафша", "Опе Mix" рақс жамоалари ва "Тантана" доирачилар гуруҳининг концерт дастурлари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади. "Ёш юлдузлар" театр студияси томонидан тайёрланган "Гиёҳвандлик - умр заволи ёҳуд билмайин босдим тиканни" деб номланган сахна кўриниши ҳам иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

"Семицветик" тасвирий санъат студияси томонидан ташкил этилган "Мен ҳаётни танлайман" мавзусидаги расмлар кўргазмаси, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиларининг қўл жанги санъати ва кикбоксинг йўналишидаги чиқишлари йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Тадбирда Баротхўжа, "Парвона", "Баёт" ва Кўйлик ота маҳаллаларидан икки юзга яқин аҳоли иштирок этди.

Гулчеҳра ДҮРДИЕВА